

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЁДГАРОВА УМИДА ГАЙБУЛЛОЕВНА

БЕЗОВТА ОЁҚЛАР СИНДРОМИ: КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ
РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctoral (DSc)

Ёдгарова Умида Гайбуллоевна

Безовта оёқлар синдроми: клиник-биокимёвий ривожланиш
механизмлари, таъхислаш ва даволашни оптималлаштириш 3

Ёдгарова Умида Гайбуллоевна

Синдром беспокойных ног: клиничко-биохимические механизмы
развития, оптимизация диагностики и терапии 27

Yodgarova Umida Gaybulloevna

Restless legs syndrome: clinical and biochemical mechanisms of
development, optimization of diagnosis and therapy..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЁДГАРОВА УМИДА ГАЙБУЛЛОЕВНА

БЕЗОВТА ОЁҚЛАР СИНДРОМИ: КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ
РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.DSc/Tib852 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант:

Раимова Малика Муҳамеджановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Садикова Гулчехра Кабуловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мирджураев Элбек Миршавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллаева Наргиза Нурмаатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

С.Ж. Асфандиёр номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 214-82-90), e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс (+99871) 214-82-90).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда безовта оёқлар синдроми (БОС) тўлиқ ўрганилмаган, патогенези кўп омилли ва клиник тасвири турлича намоён бўлувчи неврологик бузилиш ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра «...дунё бўйлаб неврологик касалликлардан 3 млрдга яқин одам азият чекади ва улар 10 % га яқини безовта оёқлар синдроми билан касалланган беморлар ҳисобланади...».¹ Безовта оёқлар синдромининг аҳоли орасида учраш частотаси 2% дан 15% гача ўзгариб туради. АҚШ да ўрта ёшлиларинг 3% ида, Германия, Франция, Буюк Британия, Испанияда эса 11,1% ида безовта оёқлар синдроми мавжудлиги ва уларнинг ҳаёт сифати кескин ёмонлашгани аниқланган. Шундай қилиб, безовта оёқлар синдроми ташхисоти замонавий неврологияда мураккаб муаммо бўлиб қолмоқда ва долзарблиги муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда безовта оёқлар синдромини эрта ташхислаш, хавф омилларини аниқлаш ва индивидуаллаштирилган терапевтик ёндашувни шакллантириш йўналишида илмий тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда. Безовта оёқлар синдромини ўз вақтида аниқлаш уйқу сифатини яхшилаш, депрессив ҳолатларни бартараф этиш ҳамда беморнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини беради. Шу муносабат билан безовта оёқлар синдроми нинг патогенетик механизмини чуқур ўрганиш, унинг ривожланишига таъсир қилувчи биомаркерларни баҳолаш, касалликнинг клиник-кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда индивидуаллаштирилган даво услубларини ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Шу каби тадқиқотлар натижасида, безовта оёқлар синдроми учун биомаркёрларга асосланган диагностика алгоритмларини ишлаб чиқиш, касалликнинг динамикасини баҳолаш ва даволашни индивидуаллаштириш имконини берувчи оқилона ва самарали ёндашувлар шакллантирилмоқда.

Мамлакатимизда тиббий ёрдамни янада ривожлантириш, тиббиёт тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни эрта ташхислаш, самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтиришга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда безовта оёқлар синдромини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий ёрдам даражасини янги поғонага кўтариш учун аҳоли ўртасида профилактика чора тадбирларини олиб боришга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

¹ <https://www.who.int/news/item/14-03-2024-over-1-in-3-people-affected-by-neurological-conditions--the-leading-cause-of-illness-and-disability-worldwide>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Тиббиёт ходимлари потенциални ошириш учун зарурий шароитларни яратиш ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохатларни босқичли давом эттириш тўғрисида», 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини келгусида ислох қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 28 июлидаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимларини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Безовта оёқлар синдромини клиник-биокимёвий ривожланиш механизмлари, таъхислаш ва даволашни оптималлаштиришни ўрганишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Harvard Medical School, University of Toronto, University of Bologna, Seoul National University, Johns Hopkins University, University of Melbourne (АҚШ, Канада, Италия, Корея, Австралия); Роберт Koch Institute, National Institute of Health (Германия, АҚШ); Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

БОС ёш ва жинс ҳамда патогенетик хусусиятлари, диагностика, даволашни яхшилаш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: БОСнинг ёш ва жинс хусусиятларини ўрганиш, қўшимча касалликлар билан боғлиқлигини таҳлил қилинган (Harvard Medical School, University of Toronto); қон биомаркёрларининг даражасини ва уларнинг клиник симптомлар билан боғлиқлиги аниқланган (Robert Koch Institute, National Institute of Health); уйқу бузилишлари, ҳаёт сифати ва психоэмоционал ҳолат ўзгаришларини таҳлил қилинган (Seoul National University, University of Melbourne)); БОСнинг уйқу архитектураси, эмоционал ҳолат ва ҳаёт сифатига таъсирини нейropsихологик жиҳатдан таҳлил қилган (Johns Hopkins University, University of Bologna, Cambridge University)); ропинирол ва габапентиннинг самарадорлиги ўрганилган (Seoul National University);

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: pubmed.ncbi.nih.gov, cyberleninka.ru, www.goethe-university-frankfurt.de, www.utexas.edu, ubc.ca, www.berkeley.edu, www.uark.edu, www.virginia.edu, www.pitt.edu, www.ncl.ac.uk, www.uio.no/english, www.useoul.edu, www.pkuf.org, www.gematologiya.uz.

БОСнинг клиник ва нейрофизиологик жиҳатлари ўрганилган (Қозон давлат тиббиёт академияси)); БОС нинг клиник характеристикаси ва турли шакллари дифференциал даволаш (Сеченова университети)); БОСнинг этиопатогенетик жиҳатлари ўрганилган (Тошкент давлат стоматология институти)), жумладан, куйидаги йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: БОСда қон биомаркерларининг индивидуал ўзгаришларини баҳолаш, қоннинг микроциркулятор хусусиятларини ва темир алмашинувининг ролини ўрганиш; БОС билан касалланган беморларда уйқу сифатининг бузилишлари ҳамда уйқу билан боғлиқ биокимёвий кўрсаткичларнинг динамикасини таҳлил қилиш; БОСда интерлейкин-6, гипоксия-индуцирловчи фактор-1 (HIF-1) ва васкуляр эндотелиал ўсиш фактори (VEGF) каби биомаркерларнинг қондаги даражалари ва уларнинг клиник симптомлар билан боғлиқлигини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтказилган илмий тадқиқотлар таҳлилида аниқландики, БОСнинг патогенези, клиник намоён бўлиши ҳамда даволашда ёш ва жинсий ўзига хосликларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Эркаklar ва аёллар организмнинг физиологик хусусиятлари ҳамда гормонал ҳолати БОС симптомларининг оғирлиги ва ривожланишига таъсир кўрсатади (Trenkwalder et al., 2016; Garcia-Borreguero et al., 2017). Шунингдек, турли ёшдаги (ўрта ёш, кекса ва нуроний) одамларда темир танқислиги, қон айланиш тизими ўзгаришлари ва қон-томирлар гипоксик ҳолатлари БОСнинг патогенезида муҳим рол ўйнайди (Allen R.P. et al., 2014; Högl et al., 2020).

Ҳозирги вақтда тадқиқотчиларнинг асосий эътибори марказий ва периферик дофаминергик тизим ҳамда темир моддаси алмашинувига қаратилган. Улар БОС ривожланишида асосий этиопатогенетик рол ўйнайди. Шу билан бирга, марказий нейроиммун тизимдаги яллиғланиш омиллари ва оксидловчи стресс ҳам патогенетик жараёнларда иштирок этади (Winkelmann et al., 2007; Trenkwalder et al., 2016). Замонавий тадқиқотлар натижаларида интерлейкин-6 (IL-6), гипоксия-индуцирловчи фактор-1 (HIF-1) ва васкуляр эндотелиал ўсиш фактори (VEGF) каби биомаркерларнинг БОС билан боғлиқлиги кўрсатилган (Heidari et al., 2017; Allen R.P. et al., 2021).

БОС патогенезида дофамин рецепторлари сигнал узатиш тизими бузилишлари, темирнинг тўқималарда тақсимланиши ва қон-томир эндотелийси функцияси бузилишлари алоҳида аҳамиятга эга. Эндотелий яллиғланиш жараёнларини, тромбоцитлар агрегациясини ва қон томир деворларининг реактивлигини бошқариб, БОС билан боғлиқ уйқу бузилишларини ҳам яхшиланади (Yang et al., 2017; Heidari et al., 2019).

Ўзбекистонда ҳам БОСнинг патогенези ва клиник хусусиятлари бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, БОС этиопатогенетик хусусиятлари, уйқу сифатининг ёмонлашиши ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликлар ўрганилган (Ёдгарова У.Г., Раимова М.М., 2022;). Аммо, ҳозирги кунга қадар БОСни жинсий ва ёш хусусиятлари бўйича фарқлаб ўрганиш, шунингдек, аёллар ва эркаklarда фармакотерапевтик стратегияларни индивидуаллаштириш етарли даражада қамраб олинмаган.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтга қадар безовта оёқлар синдромини даволашда асосан бошқа касалликлар учун ишлаб чиқилган препаратлардан фойдаланилади.

Бироқ, бу дори воситалари БОСни даволашда клиник жиҳатдан тўлиқ тасдиқланган далиллар базасига эга эмас ва уларнинг самарадорлиги бўйича кенг қўламли клиник синовлар ўтказилмаган. БОСнинг турли клиник шакллари учун қайси дори воситаси устун эканлиги ҳақида аниқ ва етарли маълумотлар мавжуд эмас. Шу сабабли ҳам гипоксик, яллиғланиш, гормонал биомаркерлари ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, БОСнинг турли ёш ва жинсий хусусиятларига йўналтирилган замонавий даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Шунинг учун БОС шаклларини ўрганиш, дифференциал ташхис қўйиш ва индивидуал ёндашувни ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб муаммо ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011900252 «Безовта оёқлар синдромининг клиник-патогенетик жиҳатлари» (2019-2024 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади безовта оёқлар синдроми ривожланишининг клиник-биокимёвий хусусиятларини ўрганиш, ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

безовта оёқлар синдромини турли ёш ва жинсга боғлиқ ҳолда ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳамда хавф омилларини баҳолаш;

клиник турига қараб безовта оёқлар синдромининг клиник-неврологик ва нейрпсихологик хусусиятларининг қиёсий таҳлил қилиш;

НIF-1, VEGF, IL-6 каби қон биомаркерларининг касалликнинг клиник турини ҳисобга олган ҳолда безовта оёқлар синдроми ривожланишидаги патогенетик аҳамиятини баҳолаш;

безовта оёқлар синдроми синдромининг клиник-лаборатория маълумотлари ва нейрпсихологик кўрсаткич натижалари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни баҳолаш;

безовта оёқлар синдромининг клиник-лаборатор ва нейрпсихологик маълумотлар натижаларига асосланиб прогрессия хавфини кўрсатадиган комплекс шкала ишлаб чиқиш;

идиопатик ва симптоматик безовта оёқлар синдроми билан хасталанган турли жинсдаги беморларда касаллик биомаркерларининг турли терапевтик ёндашувлар жараёнида ўзгаришини таҳлил қилиш орқали индивидуаллаштирилган даволаш ишлаб чиқиш, унинг қисқа ва узоқ муддатли самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 18 ёшдан 84 ёшгача бўлган 176 нафар беморлар бўлиб, улар икки гуруҳга бўлинган: биринчи гуруҳни 51 нафар идиопатик БОС, иккинчи гуруҳни 125 нафар симптоматик БОС беморлар ташкил этган. Назорат гуруҳига худди шу ёш ва жинсда бўлган, амалий жиҳатдан соғлом 20 нафар шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида идиопатик ва симптоматик БОСдаги клиник-неврологик, биокимёвий, иммунологик ва гормонал бузилишлар жараёнини ўрганиш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда БОСнинг клиник-биокимёвий ривожланиш механизмларини БОСнинг клиник турига, ёш ва жинсга кўра баҳолаш учун клиник-неврологик, нейропсихологик (IRLS, PSQI, BDI, RLS-QoL шкалалари), умумий қон ва умумий сийдик таҳлили, қон биокимёвий таҳлили (креатинин, мочевино, қондаги қанд, гликирланган глюкоза, витамин Д, витамин В12, фолат кислота, калций, магний) ва тиреоид гормонлар (ТТГ, Т4,Т3) миқдорини аниқлаш усуллари, VEGF, HIF-1, IL-6 ва натижаларга статистик ишлов берувчи аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

безовта оёқлар синдромининг клиник намоён бўлишида ёш ва жинсга хос хусусиятлар, темир танқислиги, ирсият, қандли диабет, буйрак етишмовчилиги, тиреоид гормонлар дисбаланси каби хавф омилларининг допаминергик ҳамда метаболитик механизмларга таъсир этишининг клиник-патогенетик аҳамияти илмий жиҳатдан асосланган;

IL-6, HIF-1, VEGF, тиреотроп гормон (ТТГ), ферритин, Д витамини миқдорларининг яллиғланиш, гипоксия ва моддалар алмашинуви жараёнлари билан боғлиқ равишда безовта оёқлар синдроми бўлган беморларда сезиларли ўзгариши, ушбу кўрсаткичларнинг касалликни эрта аниқлаш ҳамда прогнозлашда биомаркёр сифатида фойдаланиш имконияти мавжудлиги исботланган;

IRLS, PSQI, BDI ва RLS-QoL шкалаларининг ROC-таҳлил орқали юқори сезгирлик ва махсуслиги ҳамда ушбу шкалалар безовта оёқлар синдроми белгилари, уйқу бузилиши, депрессия ва ҳаёт сифати ҳолатини баҳолашда самарадорлиги исботланган;

тиреоид гормонлари (ТТГ, Т3, Т4), IL-6, HIF-1, VEGF, ферритин, Д витамини ҳамда нейропсихологик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликни баҳолаш орқали IL-6, HIF-1, VEGF даражасининг ортиши уйқу бузилиши ва депрессия белгиларининг кучайиши билан тўғри юқори корреляция, ферритин, Д витамини миқдорининг камайиши мазкур ҳолатлар билан тескари юқори корреляция, ТТГ, Т3/Т4 даражалари ўртасида ўзаро тўғри боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

безовта оёқлар синдромининг прогрессия хавфини баҳолаш мақсадида клиник, биокимёвий ва нейропсихологик кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган махсус комплекс прогностик шкала синдромнинг кечиши, оғирлик даражаси ҳамда прогнозини баҳолашда қўлланилиши мумкин бўлган амалиётга йўналтирилган диагностик восита сифатида юқори клиник қиймати мавжудлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

безовта оёқлар синдроми ривожланиш хавфини баҳолаш учун клиник, лаборатор кўрсаткичларга асосланган комплекс диагностик алгоритм ишлаб чиқилган;

IRLS, PSQI, BDI и RLS-QoL шкалалари безовта оёқлар синдромини эрта клиник босқичда аниқлашда ишончли баҳолаш воситаси сифатида амалиётда қўллаш тавсия этилган;

клиник ва биокимёвий кўрсаткичларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган БОС хавфини баҳолашга мўлжалланган комплекс балл шкаласи хавф гуруҳларини стратификация қилиш ва скрининг тадбирларида қўллаш тавсия қилинган;

безовта оёқлар синдромини даволашда патогенетик механизмларни ҳисобга олган ҳолда терапиянинг самарадорлигини оширишга қаратилган индивидуаллаштирилган ёндашув асосида терапевтик алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган объектив клиник, неврологик, лаборатор усуллар ва статистик усуллар асосида БОСнинг клиник-биокимёвий ривожланиш механизмлари, ташхислаш ва даволашни касалликнинг турига, беморларнинг жинс ва ёш хусусиятларига кўра баҳолашнинг ўзига ҳослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти безовта оёқлар синдроми билан оғриган беморларда IL-6, HIF-1, VEGF, ферритин, тиреоид гормонлар ва витамин-минерал моддаларнинг БОС патогенезидаги механизмлари ва RLS, PSQI, BDI каби шкалаларнинг қўлланилишининг клиник аҳамияти, БОС симптомларининг оғирлиги ва биомаркер даражалари ўртасида корреляция, жинс хусусиятларининг терапевтик жавобдаги ўрни илмий жиҳатдан очиқ берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган тавсияларни жорий этиш орқали безовта оёқлар синдроми билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш, шунингдек, бирламчи бўғин шифокорларига юқори хавфли беморларни эрта аниқлаш ва саралаш имконини берувчи прогностик шкаладан фойдаланиш орқали махсус неврологик ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Безовта оёқлар синдроми: клиник-биокимёвий ривожланиш механизмлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: безовта оёқлар синдромининг клиник намоён бўлишида ёш ва жинсга ҳос хусусиятлар, темир танқислиги, ирсият, қандли диабет, буйрак етишмовчилиги, тиреоид гормонлар дисбаланси каби хавф омилларининг допаминергик ҳамда метаболик механизмларга таъсир этишининг клиник-патогенетик аҳамияти илмий жиҳатдан асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти Илмий кенгашининг 2024-йил 4-июлдаги 9-10-сонли қўшма кенгаш баённомаси №01-р/25 ва Тошкент давлат стоматология институти Илмий кенгашининг 2024-йил 4-июлдаги 9-10-сонли қўшма кенгаш баённомаси №01-р/24 билан тасдиқланган «Оптимизация диагностических критериев синдрома беспокойных ног с учетом коморбидной патологии» ва «Персонализированная фармакотерапия у больных с синдромом беспокойных ног с учетом сопутствующих патологий» услубий тавсияномалар

мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф натижалари Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббий марказининг 2024-йил 20 сентябрдаги № 97 сонли, Миллий тиббиёт марказининг 2024-йил 10 сентябрдаги № 01-3/50 сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 мартдаги 14/22-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* безовта оёқлар синдроми учун хавф омилларини жинсга боғлиқ фарқларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш ва таҳлил қилиш беморларнинг жисмоний фаоллиги, уйку сифати ва руҳий ҳолатини яхшилашга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* олинган маълумотлар асосида безовта оёқлар синдромини эрта ташхислаш бир бемор учун 19288993 сўмни иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ушбу илмий янгиликни безовта оёқлар синдроми билан касалланган беморларда қўллаш бир бемор учун 19288993 сўмни иқтисод қилишга эришилган;

иккинчи илмий янгилик: IL-6, HIF-1, VEGF, тиреотроп гормон (ТТГ), ферритин, Д витамини миқдорларининг яллиғланиш, гипоксия ва моддалар алмашинуви жараёнлари билан боғлиқ равишда безовта оёқлар синдроми бўлган беморларда сезиларли ўзгариши, ушбу кўрсаткичларнинг касалликни эрта аниқлаш ҳамда прогнозлашда биомаркёр сифатида фойдаланиш имконияти мавжудлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти Илмий кенгашининг 2024-йил 4-июлдаги 9-10-сонли кўшма кенгаш баённомаси №01-р/25 ва Тошкент давлат стоматология институти Илмий кенгашининг 2024-йил 4-июлдаги 9-10-сонли кўшма кенгаш баённомаси №01-р/24 билан тасдиқланган «Оптимизация диагностических критериев синдрома беспокойных ног с учетом коморбидной патологии» ва «Персонализированная фармакотерапия у больных с синдромом беспокойных ног с учетом сопутствующих патологий» услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф натижалари Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббий марказининг 2024-йил 20 сентябрдаги № 97 сонли, Миллий тиббиёт марказининг 2024-йил 10 сентябрдаги № 01-3/50 сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 мартдаги 14/22-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* безовта оёқлар синдроми билан боғлиқ биомаркёрлар бўйича тақдим этилган янги маълумотлар ташхис ва даволаш самарадорлигини мониторинг қилиш учун янги усулларни ишлаб чиқиш имконини яратади. Ушбу янгилик безовта оёқлар синдромини аниқ ташхислаш, даволаш самарадорлигини баҳолаш ва беморларнинг даво жараёнини яхшилашга ижтимоий жиҳатдан катта ҳисса қўшади. *Иқтисодий самарадорлиги:* олинган маълумотлар асосида безовта оёқлар синдромини эрта ташхислаш бир бемор учун 19288993 сўмни иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ушбу илмий янгиликни безовта оёқлар синдроми билан касалланган беморларда қўллаш бир бемор учун 19288993 сўмни иқтисод қилишга эришилган;

учинчи илмий янгилик: IRLS, PSQI, BDI ва RLS-QoL шкалаларининг ROC-таҳлил орқали юқори сезгирлик ва махсуслиги ҳамда ушбу шкалалар безовта оёқлар синдроми белгилари, уйку бузилиши, депрессия ва ҳаёт сифати ҳолатини

баҳолашда самарадорлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти Илмий кенгашининг 2024-йил 4-июлдаги 9-10-сонли қўшма кенгаш баённомаси №01-р/25 ва Тошкент давлат стоматология институти Илмий кенгашининг 2024-йил 4-июлдаги 9-10-сонли қўшма кенгаш баённомаси №01-р/24 билан тасдиқланган «Оптимизация диагностических критериев синдрома беспокойных ног с учетом коморбидной патологии» ва «Персонализированная фармакотерапия у больных с синдромом беспокойных ног с учетом сопутствующих патологий» услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф натижалари Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббий марказининг 2024-йил 20 сентябрдаги № 97 сонли, Миллий тиббиёт марказининг 2024-йил 10 сентябрдаги № 01-3/50 сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 мартдаги 14/22-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* безовта оёқлар синдроми беморларнинг ҳаёт сифати, уйқу сифати ва психологик ҳолатига таъсир қилувчи жиддий ҳолат эканлиги илмий далиллар асосида исботланди. Тадқиқот натижалари безовта оёқлар синдроми билан оғриган беморларни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқишга замин яратади. *Иқтисодий самарадорлиги:* олинган маълумотлар асосида безовта оёқлар синдромини эрта ташхислаш бир бемор учун 19288993 сўмни иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ушбу илмий янгиликни безовта оёқлар синдроми билан касалланган беморларда қўллаш бир бемор учун 19288993 сўмни иқтисод қилишга эришилган; *тўртинчи илмий янгилик:* тиреоид гормонлари (ТТГ, Т3, Т4), IL-6, HIF-1, VEGF, ферритин, Д витамини ҳамда нейропсихологик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликни баҳолаш орқали IL-6, HIF-1, VEGF даражасининг ортиши уйқу бузилиши ва депрессия белгиларининг кучайиши билан тўғри юқори корреляция, ферритин, Д витамини миқдорининг камайиши мазкур ҳолатлар билан тескари юқори корреляция, ТТГ, Т3/Т4 даражалари ўртасида ўзаро тўғри боғлиқлик мавжудлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти Илмий кенгашининг 2024-йил 4-июлдаги 9-10-сонли қўшма кенгаш баённомаси №01-р/25 ва Тошкент давлат стоматология институти Илмий кенгашининг 2024-йил 4-июлдаги 9-10-сонли қўшма кенгаш баённомаси №01-р/24 билан тасдиқланган «Оптимизация диагностических критериев синдрома беспокойных ног с учетом коморбидной патологии» ва «Персонализированная фармакотерапия у больных с синдромом беспокойных ног с учетом сопутствующих патологий» услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф натижалари Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббий марказининг 2024-йил 20 сентябрдаги № 97 сонли, Миллий тиббиёт марказининг 2024-йил 10 сентябрдаги № 01-3/50 сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 мартдаги 14/22-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* безовта оёқлар синдромини эрта ташхислаш ва унинг прогрессиясини олдини олишни оптималлаштирадиган прогностик мезонлар ишлаб чиқиши, касалликни бошланғич босқичда аниқлаш, даволаш тактикасини эрта белгилаш ҳамда

симптомларнинг кучайишини олдини олишга катта ижтимоий таъсир кўрсатади. *Иқтисодий самарадорлиги:* олинган маълумотлар асосида безовта оёқлар синдромини эрта ташхислаш бир бемор учун 19288993 сўмни иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ушбу илмий янгиликни безовта оёқлар синдроми билан касалланган беморларда қўллаш бир бемор учун 19288993 сўмни иқтисод қилишга эришилган;

бешинчи илмий янгилик: безовта оёқлар синдромининг прогрессия хавфини баҳолаш мақсадида клиник, биокимёвий ва нейрпсихологик кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган махсус комплекс прогностик шкала синдромнинг кечиши, оғирлик даражаси ҳамда прогнозини баҳолашда қўлланилиши мумкин бўлган амалиётга йўналтирилган диагностик восита сифатида юқори клиник қиймати мавжудлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти Илмий кенгашининг 2024-йил 4-июлдаги 9-10-сонли кўшма кенгаш баённомаси №01-р/25 ва Тошкент давлат стоматология институти Илмий кенгашининг 2024-йил 4-июлдаги 9-10-сонли кўшма кенгаш баённомаси №01-р/24 билан тасдиқланган «Оптимизация диагностических критериев синдрома беспокойных ног с учетом коморбидной патологии» ва «Персонализированная фармакотерапия у больных с синдромом беспокойных ног с учетом сопутствующих патологий» услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф натижалари Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббий марказининг 2024-йил 20 сентябрдаги № 97 сонли, Миллий тиббиёт марказининг 2024-йил 10 сентябрдаги № 01-3/50 сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 мартдаги 14/22-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* безовта оёқлар синдроми беморларнинг ҳаёт сифати, уйку сифати ва психологик ҳолатига таъсир қилувчи жиддий ҳолат эканлиги илмий далиллар асосида исботланди. Тадқиқот натижалари безовта оёқлар синдроми билан оғриган беморларни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқишга замин яратади. *Иқтисодий самарадорлиги:* олинган маълумотлар асосида безовта оёқлар синдромини эрта ташхислаш бир бемор учун 19288993 сўмни иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ушбу илмий янгиликни безовта оёқлар синдроми билан касалланган беморларда қўллаш бир бемор учун 19288993 сўмни иқтисод қилишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва заруриятининг асосланиши тақдим этилган, мақсад ва вазифалар, объектлар ва тадқиқот предмети шакллантирилган, тадқиқотни Ўзбекистон республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кетма кет баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича материаллар, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг структураси ёритилган.

Диссертациянинг **«Безовта оёқлар синдромининг патогенези, диагностикаси ва даволаш ҳақида замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобда адабиётларнинг таҳлилий шарҳи тақдим этилади, унда маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган. БОС ривожланишининг асосий этиологик омиллари, патогенетик механизмлари ўрганилган. Касалликнинг клиник намоён бўлишлари, турли ёш ва жинс гуруҳларидаги хусусиятлари, шунингдек, коморбид патологиянинг БОС кечишига таъсири ёритилган. БОСни аниқлашда халқаро ташхис мезонлари, хусусан, оғирлик даражасини баҳолаш шкалаларига алоҳида эътибор қаратилган. БОСни даволашда замонавий ёндашувлар, жумладан, фармакологик, нофармакологик усуллар имкониятлари таҳлил қилинган. Бу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилиб, ўрганилган муаммоларни долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **«Безовта оёқлар синдроми клиник-биокимёвий механизмларини, ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришни баҳолаш материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобда тажриба материалларининг умумий тавсифи, тадқиқотни ўтказиш усуллари ва қўлланилган материаллар батафсил баён этилган.

Тадқиқот Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиник касалхонасида ўтказилди. Унда безовта оёқлар синдроми билан мурожаат қилган 18-84 ёш оралиғидаги жами 176 нафар бемор қатнашди. Белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун беморлар икки гуруҳга бўлинди: 1- гуруҳ-идиопатик БОС (ИБОС) билан оғриган 51 нафар беморлардан иборат эди. 2- гуруҳ-симптоматик БОС (СБОС) билан оғриган 125 нафар беморлардан ташкил топди. Шунингдек тадқиқотда 20 нафар амалий жиҳатдан соғлом кўнгилли (назорат гуруҳи) ҳам иштирок этди. Асосий гуруҳда эркалар 60 (34,1 %) ва аёллар 116 (64,9 %) нафарни ташкил этди. Эркаларнинг ўртача ёши $53,3 \pm 2,04$ ни, аёлларнинг эса $54,2 \pm 1,53$ дан иборат бўлди.

Тадқиқотнинг биринчи босқичи БОС бўлган 176 нафар беморларда клиник-неврологик ва нейропсихологик текширишларни ўтказишдан иборат бўлди. Тадқиқотнинг иккинчи босқич БОС билан оғриган беморларда уйқу, депрессия ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари чуқур таҳлил қилинди. Уйқу сифатини баҳолаш учун PSQI, депрессия даражаси учун BDI, ҳаёт сифати учун RLS-QoL каби махсус шкалалар қўлланилди. Барча ўлчовлар сезгирлик ва махсуслик


даражаси бўйича ROC-таҳлил орқали баҳоланди, уларнинг ташхисий қиймати аниқланди. Тадқиқотнинг учинчи босқичи БОС ривожланишида иштирок этувчи интерлейкин-6, HIF-1, VEGF, тиреоид гормонлар, темир ва витаминлар ҳолати ёш ва жинс хусусиятлари бўйича ўрганилди ҳамда уларнинг касаллик оғирлик даражасига таъсири баҳоланди. Тадқиқотнинг тўртинчи босқичида лаборатор кўрсаткичлар (витамин-минерал ҳолати, гормонал ўзгаришлар, биомаркёрлар) ва клиник кўрсаткичлар ўртасида корреляцион таҳлил ўтказилди. Тадқиқотнинг бешинчи босқичида БОСнинг ривожланиш хавфини баҳолаш учун клиник ва лаборатор маълумотлар асосида махсус прогностик шкала ишлаб чиқилди. Шу шкала асосида беморларни хавф гуруҳларига ажратиш ва касалликнинг индивидуал кечишини башорат қилиш имконияти яратилди. Тадқиқотнинг олтинчи босқичида БОС билан оғриган 176 нафар бемор идиопатик (29%, n=51) ва симптоматик (71%, n=125, шундан қандли диабет (ҚД) билан боғлиқ – 62, сурункали буйрак етишмовчилиги (СБЕ) – 21, неврологик касалликлар (НК) – 42) турларга бўлинган ҳолда ўрганилди. Улар прамипексол (суткада 0,125–0,25 мг) ёки габапентин (суткада 300–900 мг) қабул қилган бўлиб, даволаш самарадорлиги уйқу сифати (PSQI), ҳаёт сифати (RLS-QoL) ва депрессия даражаси (BDI) билан баҳоланди ҳамда комплекс терапияда қўшимча витаминлар (Д витамини, В12 витамини, фолат), минераллар (кальций, магний) ва тиреоид гормонлар (ТТГ, Т3, Т4) билан коррекция қўлланилиб, индивидуаллаштирилган ёндошувнинг касаллик турларига мос ҳолда юқори самарадорлиги исботланди. Текширишлар бемор касалхонада ва даволаш тугагандан кейин ҳамда 3-ойда ўтказилди.

Биокимёвий текширувлар GS300 PLUS (Англия, 2017) анализаторида, намуна штрих-коди орқали идентификация қилинган ҳолда ўтказилди. Витамин профили, иммунологик ва биокимёвий текширувлар фолий кислотаси, витамин В12 ва Д (25(OH)D) витаминлари, шунингдек IL-6, HIF-1 ва VEGF миқдорини аниқлашни ўз ичига олди. Д витамини даражаси ИФА-анализаторлар (АТ 858, Mindray, Хитой) ва DBC ELISA (Канада) тўпламлари ёрдамида, Халқаро эндокринологлар жамияти (2011) ҳамда Holick тавсияларига мувофиқ аниқланди. Қон намуналари эрталаб, оч ҳолатда, тирсак венасидан олинди.

Статистик таҳлил STATISTICA 12.5 ва Excel 2019 дастурларида ўтказилди. Нормал тақсимотда t-Стьюдент, нормал бўлмаганда Манн–Уитни U-критерийи қўлланилди. Ахамиятлик $p < 0,05$ даражасида, боғлиқлик χ^2 Пирсон мезони билан баҳоланди.


Диссертациянинг **«Идиопатик ва симптоматик безовта оёқлар синдромининг клиник-неврологик хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида шахсий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Идиопатик ва симптоматик БОСнинг клиник-неврологик хусусиятлари ўрганилди. БОСнинг турли клиник турларида симптомлар намоён бўлиши тавсифланди. Шунингдек, БОС симптомларини баҳолаш учун қўлланилган шкалалар ва сўровномалар самарадорлиги баҳоланди. Шунингдек, дефицит ҳолатлар (витамин ва минерал етишмовчилиги) ҳамда коморбид касалликлар билан боғлиқ БОС кечишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинди.

Идиопатик БОС бўлган беморларда кундузги уйқучанлик (88,2%), оёқларда ноҳушлик ҳисси (80,3%) ва узлукли уйқу (76,4%) кўп учради. Симптоматик БОСда эса узлукли уйқу (42,4%), кундузги уйқучанлик (36,8%) ва уйқуга кетишда қийинчилик (70,4%) устунлик қилди, 1-расм.



1-расм. Беморларда кузатилган клиник симптомлар, %

ИБОСда аёлларнинг аксарияти (45,7%) кечқурун ва кечаси симптомлардан азият чеккан, бу эса касалликнинг сурункали хусусиятларини тасдиқлади. Аёллардан фаркли эркекларда 62,5% симптомлар ҳам кечқурун ҳам кундузи қайд этилди. СБОС қайд этилган эркек ва аёл беморларда ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилди, 2-расм.



2-расм. Беморларда симптомларнинг кузатилиш вақтига кўра тақсимланиши, %


Беморларни симптомларнинг биринчи марта кузатилиш жойига кўра тақсимланганда, идиопатик БОС бўлган беморларда симптомлар асосан оёқларда (82,4%), камроқ ҳолларда қўлларда (9,8%) ва бир вақтда ҳам қўл ҳам оёқда (7,8%) кузатилди. Симптоматик БОСда кўпчиликда (76%) белгилар дастлаб оёқларда, 14,4%да қўлларда пайдо бўлди, 9,6%да эса бир вақтда ҳам қўл ҳам оёқда кузатилди. Идиопатик БОСда 29,4% беморларда касаллик давомийлиги 6 ойдан 2 йилгача, 37,3%да 2–5 йил, 33,3%да эса 5 йилдан зиёд

бўлди. Симптоматик БОСда эса 32,8%да давомийлик 6 ойдан 2 йилгача, 23,2%да 1–5 ой, 44%да эса 5 йилдан зиёд экани аниқланди.

ИБОС қайд этилган беморларда ҳамроҳ дефицит ҳолатларнинг учраши частотаси ўрганилди, 3-расм. ИБОС қайд этилган беморларда аёлларда минерал моддалар ва ферритин етишмовчилиги 75%ни, витаминлар етишмовчилиги 49 %ни, тиреоид гормонлар дисбаланси эса 37,2 % ни, эркакларда эса кўрсаткичлар мос равишда пастроқ фоизларни ташкил этди (70,5%, 25%, 31,2%).

СБОС қайд этилган беморларда ҳамроҳ касалликлардан ҚД эркакларнинг 18 нафариди (40,9%), аёлларнинг 44 нафариди (54,3%) қайд этилди. ҚД аёлларда эркакларга нисбатан 13,4% кўпроқ ҳолатда кузатилди. СБЕ эркакларнинг 8 нафариди (18,2%), аёлларда 2,2% кам, 13 нафар беморда (16%) учради. НКлар эркакларнинг 18 нафариди (40,9%), аёлларнинг эса 24 (29,6%) нафариди қайд этилди (эркакларга нисбатан 11,3% кам). Аёлларда ҚД, эркакларда эса НК кўпроқ учради.

БОС билан оғриган аёллар ва эркакларда минерал моддалар ва ферритин танқислиги, витаминлар танқислиги ҳамда гормонлар дисбаланси бўлган ҳолларда уйқу сифати бузилиши, депрессия ва ҳаёт сифати ўзгаришлари аёллар гуруҳида уйқу сифати бузилиши ва депрессия энг кўп ҳолларда минерал моддалар ва ферритин танқислигида, ҳаёт сифатининг пасайиши эса барча ҳолатларда кузатилди.



3-расм. Идиопатик оёқлар синдроми қайд этилган беморларда ҳамроҳ дефицит ҳолатларнинг учраш частотаси, %

Эркаклар гуруҳида ушбу кўрсаткичлар корреляцияси деярли статистик фарқ қилмади. ҚД, СБЕ ва НК билан оғриган беморларда безовта оёқлар синдроми симптомлари турлича намоён бўлди ва бу ҳолатлар эркаклар ҳамда аёллар ўртасида фарқ қилди. ҚД бўлган эркакларда касаллик оғирлиги 66,7%, уйқу бузилиши ва депрессия 61,1% ҳолатда, ҳаёт сифати пасайиши эса 72,2% ҳолатда қайд этилди. Аёлларда эса ушбу кўрсаткичлар бироз юқорироқ бўлиб, оғирлик, уйқу ва депрессия 68,2%, ҳаёт сифати эса 70,5% ни ташкил этди. СБЕ бўлган эркакларда белгиланган симптомлар нисбатан камроқ намоён бўлади. Аммо СБЕ бўлган аёлларда депрессия даражаси 69,2% ва ҳаёт сифати пасайиши 76,9% билан анча юқори даражада бўлди. НК гуруҳида эса эркакларда касаллик

оғирлиги (72,2%) ва уйқу бузилиши (77,8%) энг юқори даражада кузатилди. Аёлларда эса асосий симптом сифатида депрессия (62,5%) намоён бўлган, касаллик оғирлиги (66,7%) ва ҳаёт сифати пасайиши (58,3%) ўртача даражада бўлди.


Диссертациянинг «Идиопатик ва симптоматик безовта оёқлар синдроми мавжуд беморларда клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг таҳлили» деб номланган тўртинчи бобда идиопатик ва симптоматик безовта оёқлар синдроми бўлган беморларда клиник, биокимёвий, гормонал ва иммунологик кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Таdqикотда ҳар икки турдаги синдромнинг патогенезидаги фарқлар аниқланиб, яллиғланиш, иммун дисбаланс ва гормонал ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Жумладан, 25 (ОН) D концентрацияси ИБОС гуруҳида $14,1 \pm 1,05$ нг/мл бўлиб, назорат гуруҳида $31,3 \pm 1,71$ нг/мл ни ташкил этди. Шунингдек, витамин В12 миқдори ИБОС гуруҳида $148 \pm 7,48$ пг/мл бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич $496,8 \pm 5,48$ пг/мл ни ташкил этган, бу эса ИБОС билан касалланган беморларда В12 етишмовчилиги мавжудлигини кўрсатди.

Фолат кислота даражаси ҳам ИБОС гуруҳида анча паст бўлиб, $2,28 \pm 0,45$ нг/мл ни ташкил қилди, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич $8,9 \pm 1,07$ нг/мл га тенг бўлди. ИБОС қайд этилган беморларда қондаги калций даражаси $1,59 \pm 0,02$ ммол/л (назорат гуруҳи - $2,02 \pm 0,01$ ммол/л), магний - $0,54 \pm 0,05$ ммол/л (назорат - $0,95 \pm 0,04$ ммол/л), ферритин - $14,1 \pm 1,65$ нг/мл (назорат - $73,7 \pm 2,92$ нг/мл).

ТТГ даражаси $9,4 \pm 0,81$ мМЕ/л (назорат - $3,8 \pm 0,55$ мМЕ/л), Т3 - $0,6 \pm 0,05$ нмол/л (назорат - $1,83 \pm 0,12$ нмол/л), Т4 - $44,3 \pm 3,9$ нмол/л (назорат - $68,2 \pm 7,49$ нмол/л). Бу қатор кўрсаткичлар ИБОСда темир, калций, магний ва тиреоид гормонлар дефицитини кўрсатди.

ИБОС ва СБОС қайд этилган беморлар HIF-1, VEGF, IL-6 каби биомаркёрлар кўрсаткичлари ўрганилди, 4-расм.



4-расм. ИБОС ва СБОС қайд этилган беморларлар HIF-1, VEGF ва IL-6 биомаркёрлар ўзгариши (M±m)

ИБОС гуруҳида IL-6 даражаси $4,88 \pm 0,9$ пг/мл бўлиб, назорат гуруҳидаги $1,9 \pm 0,12$ пг/мл дан анча юқори ($p < 0,05$). HIF-1 даражаси $328,5 \pm 36,6$ пг/мл бўлиб, назорат гуруҳидаги $140,3 \pm 43,4$ пг/мл кўрсаткичи билан фарқ қилди. VEGF

даражаси эса $855 \pm 28,4$ пг/мл бўлиб, назорат гуруҳидаги $160,55 \pm 21,2$ пг/мл дан сезиларли юқори ($p < 0,001$). СБОСда эса IL-6 даражаси ҚД, СБЕ ва НК гуруҳларида мос равишда $5,65 \pm 0,53$; $5,69 \pm 0,49$ ва $5,64 \pm 0,55$ пг/мл ни ташкил қилиб, барчаси назорат гуруҳидан анча юқори ($p < 0,01$). HIF-1 даражалари ҳамма СБОС гуруҳларида юқори бўлиб, гипоксия ва тўқима перфузиясининг бузилишини кўрсатади.

Диссертациянинг «Безовта оёқлар синдромида лаборатор кўрсаткичларнинг корреляцион ва қиёсий таҳлили» деб номланган бешинчи бобда идиопатик ва симптоматик безовта оёқлар синдроми бўлган беморларда қон биомаркерлари ўртасидаги корреляцион боғланишларнинг таҳлили баён қилинди. ИБОСда қон биомаркерлари орасида юқори даражадаги тўғри ва тескари корреляциялар аниқланди. Хусусан, витамин Д, В12 ва фолат кислотаси ўртасида кучли мусбат боғланиш ($r \approx 0.99$), тиреоид гормонлари (Т4) ва ферритин ўртасида мусбат боғланиш ($r \approx 0.97$), шунингдек тиреоид гормонлари ва яллиғланиш маркери IL-6 ўртасида кучли тескари боғланиш ($r \approx -1.00$) кузатилди. Витамин В12 ва VEGF ўртасидаги кучли тескари корреляция ($r \approx -0.98$), шунингдек Д витамини ва IL-6 ўртасидаги кучли тескари боғланиш ($r \approx -0.99$) яллиғланиш жараёнларининг динамикасига таъсир қилишини кўрсатди. СБОС бўлган беморларда, шунингдек эритроцитлар ва HIF-1 ($r \approx 0.95$), МНО ва VEGF ($r \approx -0.88$), фибриноген ва IL-6 ($r \approx 0.87$) каби жуфтликлар ўртасида ҳам юқори корреляциялар аниқланди.

Диссертациянинг «Безовта оёқлар синдромини ташхислаш ва даволашда индивидуал ёндашувни асослаш» деб номланган олтинчи бобида ҳар бир бемор учун индивидуал диагностик ва терапевтик стратегияларни танлашнинг аҳамияти кўрсатиб берилган.



IRLS - International Restless Legs Syndrome Rating Scale, JHRLS - Johns Hopkins Restless Legs Syndrome Severity Scale, PSQI - Pittsburgh Sleep Quality Index, ESS - Epworth Sleepiness Scale, BDI - Beck Depression Inventory, CES-D - Center for Epidemiologic Studies Depression Scale, RLS QoL - Restless Legs syndrome quality of life

5-расм. Безовта оёқлар синдромини ташхислаш алгоритми

БОС билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашда индивидуал ёндашувни асослаш масалалари ёритилди. БОС ташхисини аниқлаш учун махсус диагностик алгоритм ишлаб чиқилди.

Унга кўра, симптомлар оғирлиги IRLS шкалалари ёрдамида, уйқу сифати PSQI индекси орқали, депрессия даражаси BDI, ҳаёт сифати эса RLS-QoL шкаласи асосида баҳоланди. Қўшимча равишда, лаборатор қон таҳлиллари доирасида витаминлар (Д витамини, фолий кислотаси, витамин В12), минераллар (магний, калций), шунингдек, ТТГ, Т3, Т4 ва биомаркёрлар (IL-6, VEGF, HIF-1) даражалари ўрганилди. БОС хавфи ва кечиш оғирлигини баҳолаш учун махсус прогностик шкала ишлаб чиқилди, 1-жадвал. Умумий балл натижасига қараб беморлар хавф даражалари бўйича (паст, ўрта, юқори) гуруҳларга ажратилди.

1-жадвал

БОС прогрессияси хавфини баҳолаш шкаласи

Демографик хусусиятлар		Баллар
Жинси: аёл (1 балл), эркак (0 балл)		
Ёш: 50< (1 балл), 50> (0 балл)		
Клиник хусусиятлар		
Кундузги симптомлар устунлиги (1 балл)		
Тунги симптомлар устунлиги (1 балл)		
Касаллик давомийлиги	1-5 ой (1 балл)	
	6 ойдан 2 йилгача (2 балл)	
	2 йилдан катта (3 балл)	
IRLS шкаласи натижалари	Енгил	0-10 балл (1 балл)
	Ўрта оғир	11-20 балл (2 балл)
	Оғир	21-30 балл (3 балл)
	Ўта оғир	30< балл (4 балл)
PSQI шкаласи натижалари	Енгил	0-5 балл (1 балл)
	Ўрта оғир	6-10 балл (2 балл)
	Оғир	11-15 балл (3 балл)
	Ўта оғир	16< балл (4 балл)
BDI шкаласи натижалари	Енгил	0-13 балл (1 балл)
	Ўрта оғир	14-19 балл (2 балл)
	Оғир	20-28 балл (3 балл)
	Ўта оғир	29< балл (4 балл)
Ҳамроҳ касаллик мавжудлиги	Қандли диабет (1 балл)	
	Неврологик касалликлар (2 балл)	
	Сурункали буйрак етишмовчилиги (3 балл)	
Лаборатор кўрсаткичлар		
Темир танқислиги (20 нг/мл > Ферритин миқдори) (1 балл)		
Витамин етишмовчилиги	30 нг/мл > вит D (1 балл)	
	0,2 нг/мл > вит В12 (1 балл)	
	3 нг/мл > фолат кислота (1 балл)	
Минерал моддалар етишмовчилиги	2,12 ммол/л > калций миқдори (1 балл)	
	0,7 ммол/л > магний миқдори (1 балл)	
Тиреоид гормонлар дисбаланси	326 нмол/л <ТТГ миқдори (1 балл)	
	60 нмол/л > Т4 миқдори (1 балл)	
	1,3 нмол/л >Т3 миқдори (1 балл)	

БОС прогрессияси хавфини баҳолаш шкаласи бўйича паст хавф даражаси 14-25 баллни, ўртача хавф даражаси 26-39 балл, юқори прогрессия хавфи 40-56 баллни ташкил этади. Баллар кўпайган сари хавф даражаси юқори бўлади.

Кейинги босқичда идиопатик ва симптоматик БОСда турли терапевтик ёндашувларнинг самарадорлиги таҳлил қилинди. ИБОС бўлган беморларда (n=25) базис даво орқали витаминлар даражаси таҳлил қилинганда, қондаги Д витамини (2,2 марта паст, $p<0,05$), В12 витамини ва фолат кислотаси миқдори назорат гуруҳига нисбатан анча паст экани аниқланди.

Базис даводан сўнг Д витамини бироз ошди (19,8 нг/мл, $p<0,05$), лекин етарли даражага етмади. В12 витамини концентрацияси даводан кейин яна камайиб ($p<0,05$), 3 ойдан сўнг аввалги даражага яқинлашди, барқарор ўсиш кузатилмади. Фолат кислотаси эса даводан кейин ҳам камайиб ($p<0,05$), 3 ойдан сўнг ҳам тўлиқ тикланмади.

ИБОС симптомларининг келиб чиқишида минерал моддалар етишмаслиги юқори аҳамиятлиликка эга бўлганлиги сабабли, базис даво қўлланилган беморларда уларнинг миқдори даво динамикасида ўрганилди.

Калций миқдори даводан кейин $1,59\pm 0,02$ ммол/л дан $1,51\pm 0,03$ ммол/л гача пасайди ($p=0,001$), 3 ойда $1,61\pm 0,04$ ммол/л гача кўтарилган бўлса-да, назорат гуруҳи даражаси ($2,02\pm 0,01$ ммол/л)га етмади. Магний даражаси даводан олдин $0,54\pm 0,05$ ммол/л бўлиб, даводан кейин $0,52\pm 0,02$ ммол/л гача тушди ва 3 ойда $0,54\pm 0,05$ ммол/л даражага қайтди.

ИБОС қайд этилган беморларда беморларда ферритин миқдори ўрганилди. Ферритин миқдори даводан олдин ўртача $14,1\pm 1,65$ нг/мл ($p=0,001$) бўлиб, беморларда темир танқислиги мавжудлигини кўрсатди. Даводан кейин ферритин миқдори ўртача $15,0\pm 1,75$ нг/мл ($p=0,001$) га етиб, даволашдан кейин бироз ошди, аммо назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда 4,9 марта паст (ўртача $73,7\pm 2,92$ нг/мл) кўрсаткични ташкил қилди. 3 ойдан кейин ферритин миқдори деярли ўзгармади (ўртача $13,9\pm 1,28$ нг/мл ($p=0,001$)). Базис даволаш ферритин миқдорини сезиларли даражада оширмади. Назорат гуруҳига нисбатан даводан олдин ферритин миқдори 5,2 марта кам бўлди. Даволашдан 3 ой ўтгач ҳам бу кўрсаткич деярли ўзгармай, назорат гуруҳидан мос равишда 4,9 ва 5,3 марта кам эканлиги қайд этилди.

Қалқонсимон без гормонлари миқдорининг даво динамикасида ИБОС бўлган беморларда гипотиреоз белгилари қайд этилган бўлиб, тиреоид гормонлари даражасида сезиларли ўзгаришлар кузатилди: ТТГ миқдори даводан олдин юқори (9,4 мМЕ/л) бўлиб, 3 ойдан кейин бироз пасайди (7,3 мМЕ/л), лекин нормага яқинлашмади. Т3 даражаси 3 марта паст бўлиб, даводан кейин бироз ошди (0,8 нмол/л), 3 ойдан кейин ҳам назорат гуруҳига нисбатан 2,5 марта кам кўрсаткични ташкил қилди. Т4 миқдори даводан олдин 44,3 нмол/л бўлиб, даводан кейин 50,1 нмол/л гача ошган.

Тадқиқотда давомида ИБОС қайд этилган беморларда (n=26) комплекс даво жараёнида витаминлар миқдорининг ўзгариши натижалари таҳлил қилинди. Қон плазмасидаги 25 (ОН) D миқдори даво муолажалари давомида ўртача $14,1\pm 1,23$ нг/млдан ($p=0,01$) $36,1\pm 1,54$ нг/мл гача ошди ва назорат

гуруҳидаги беморлар кўрсаткичларига яқинлашди (31,3±1,71 нг/мл). Витамин В12 миқдори даводан олдин ўртача 148,07±5,97 пг/мл (p=0,001) бўлган бўлса, 3 ойдан кейин 3,1 мартага ошиб 456,3±32,2 пг/мл га етиб, назорат гуруҳидаги беморларнинг кўрсаткичларига яқинлашганлиги кузатилди (496,8±5,48 пг/мл). Фолат кислота концентрацияси эса 2,38±0,49 нг/млдан (p=0,05) 8,3±0,47 нг/мл гача кўтарилди.

